

Украина мусулмонлар диний идораси

ҲИДОЯТ САРИ

Оқимлар ҳақида

ўзбек тилида
(باللغة الأوزبكية)

Ал Иршод
Киев 2007

ҲИДОЯТ САРИ
Оқимлар ҳақида

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Аллоҳ номи ила Аллоҳ бу дунёда ҳаммага Раҳимли охиратда фақат мусулмонларга Раҳим қилгувчидир.

Хозирги вақтда жуда кўп маълумот манбалари жумладан Дин мавзусида ҳам кўп китоб ва маълумотлар бор. Кўп оқимлар, секталар, партия ва гуруҳлар Исломи ниқоби остида инсонларни адаштирмақда. Бу оқимлардан баъзилари Ваҳҳобийлар, Ҳизбут-Таҳрир, Жамоат Исламийя, Аҳмадийя, Баҳаи ва шу кабилар. Кўп инсонлар бу оқимларга аҳамият беришмайди ва фарқига боришмайди, чунки улар барчаси Исломи ниқоби остидадир. У адашган оқимлардан инсонларни огоҳлантириш учун ва улар хатоларини кўрсатиш учун Украина диний ишлар идораси кўплаб китоб ва маълумотлар бермақда.

Огоҳ бўлинг улар адашган!

Яна ушбу китобда мазҳаб, тариқот, тавассул, бидъат ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Ваҳҳобийлар ҳақида

Ваҳҳобийлар оқимини асосчиси Муҳаммад ибн 'Абдул Ваҳҳобдир.

У Наж шаҳридан бўлиб ҳижрий 1206 йилида вафот этган. Абдул Ваҳҳобни акаси Сулаймон иккита мактубида 'Абдул Ваҳҳобни эътиқоди тўғри эмаслигини билдирган. 'Абдул Ваҳҳобни отаси ҳам ўғлини зулмидан инсонларни огоҳлантирган.

Муҳаммад ибн 'Абдул Ваҳҳоб қабрини зиёрат этган, дуода тавассул қилган ва тумор осган мусулмонларни кофир деб айблаб ўзи куфрга тушган. Яна у ҳар бир янгилик яъни бидъат хатолик деб адашган.

Муҳаммад ибн 'Абдул Ваҳҳоб айтган, кимки бизни эътиқодни қабул қилса у биздан, унга биздек ҳуқуқ берилади. Кимки бизни эътиқодни қабул қилмаса у кофир уни ўлдириш мумкин деб, кўп мусулмонларга зулм қилган.

Муҳаммад ибн 'Абдул Ваҳҳобнинг фикрига кўра 600 йил унғача яшаган барча мусулмонлар ширк ва куфрда ўтган, шунинг учун у Исломи тозалаш мақсадида бу оқимни тузганлигини билдирган.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " اللهم بارك في شامنا ويمنا (ثلاث مرات), قيل و نجدنا يا رسول الله, فقال (في المرة الثالثة): من هناك يطلع قرن الشيطان "

Маъноси:

«Муҳаммад 'алайҳиссалом эй Аллоҳ Шом ва Йаман шаҳарларини улуғ ва баракотли қилгин» деб дуо қилгандан сўнг Пайғамбардан сўрадилар: «Наж шаҳри-чи?» Пайғамбаримиз: «Наждан шайтонни шохи чиқади» дедилар.

Исломи олимлари бу Ҳадис тафсирида айтганларки: «Пайғамбар айтиб ўтган шайтон шохи Муҳаммад ибн 'Абдул Ваҳҳобдир». У Наж шаҳрида ҳижрий еттинчи асрда шу оқимни тузган. Шунинг учун улар Ваҳҳобий деган ном олишган. Ваҳҳобийлар жуда кўп мусулмонларни қонини тўкишган ва динга кўп хатоликлар олиб киришган.

Ваҳхобийларнинг хатолари

Сура «Ал - Аҳкоф» Оят 5:

وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّن يَدْعُو مِن دُونِ اللَّهِ مَن لَّا يَسْتَجِيبُ لَهُ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَهُمْ عَن دُعَائِهِمْ غَافِلُونَ

Маъноси:

«Кимки Аллоҳдан ўзга нарсаларга ибодат қилса адашгандир. Улар ибодат қилаётган нарсалар Қиёматгача жавоб бермайди ва ибодатлари бекордир».

Сура «Аз-Зумар» Оят 3:

(مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَى)

Маъноси:

«Кофирлар айтадилар: «Биз бутларга Аллоҳга якин бўлиш учун сиғинамиз»».

Қуръонда бу каби оятлар кўп. Лекин бу Оятларда Аллоҳ бутга ва Худодан бошқа нарсаларга сиғинувчи кофирлар ҳақида билдирган. Ваҳхобийлар бу каби Оятларни мусулмонларга қарата айтишган. Улар зиёрат ва тавассулни ибодат билан тенглаштириб хато қилишган. Ибодат бу Аллоҳга ишонч ва қалбдан холис итоатдир.

Пайғамбар ва ёки авлиёлар орқали дуо қилиш, «Ё Муҳаммад» деб айтиш ширк ёки куфр эмас, бунга ушбу Ҳадислар исботдир.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " قال آدم عليه السلام: " نظرت إلى أعلى فوجدت مكتوباً على قوائم العرش لا إله إلا الله محمد رسول الله فعرفت أنك لم تضاف إلى اسمك إلا أحب خلقك "

Маъноси:

«Муҳаммад 'алайҳиссаломни номларини Ал 'Аршда кўриб, Одам 'алайҳиссалом шундай дуо қилган экан: «Эй Аллоҳ шундай улуг ўғлим ҳаққи мени кечиргин. Одам 'алайҳиссаломга Аллоҳ билдирди: «агар Муҳаммад 'алайҳиссалом номи ила еру осмонда яшовчилар учун Шафоат сўраганинда ҳам қабул бўларди».

Ваҳхобийлар Қуръон Оятларини нотўғри тафсир қилишган. Қуръондаги Оятлар икки турга бўлинади муҳкамат ва муташабиҳат Оятлардир. Муташабиҳат Оятларда истава, важх, яд, айна ва шу каби сўзлар бордир. Бу сўзларни тавҳидга мослаб тўғри тафсир қилиш керак.

Сура «Тоҳа» Оят 5:

(الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى)

Маъноси:

«Аллоҳ Ал 'Аршни устидан ҳам ҳукмрондир, шундай экан қолган нарсалар ҳам Уни ҳукми остидадир».

Ваҳхобийлар бу Оятни тафсирида айтадилар: «Аллоҳ Ал 'Аршга жойлашди, ўтирди, кўтарилди» деб куфрга тушган. Истава сўзини араб тилида ўн бешдан ортиқ маънолари бор. Бу Оятда «истава» сўзи ҳукмронлик маъносида келган. Аллоҳ макон, жой, масофа, ўзгариш каби нуқсонлардан покдир ва ўзгармайди. Ваҳхобийлар мусулмонларга жуда катта зарар келтирдилар.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " أخوف ما أخاف على أمتي رجل يتأول القرءان يضعه في غير موضعه " رواه عبدالله بن عمر

Маъноси:

«Умматим ҳақида кўп қайғудаман, чунки Қуръонни нотўғри тафсир қиладиган инсонлар бўлади. Улар Оятларни ноҳақ йўлда ишлатадилар».

Имом 'Абдуллоҳ ибн 'Умардан ривоят қилинган.

Сура «Аш - Шуро» Оят 11:

(لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ)

Маъноси:

«Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди».

Имом Али шундай деганлар:

قال الإمام علي: "إن الله خلق العرش إظهاراً لقدرته و لم يتخذة مكاناً لذاته" رواه أبو منصور البغدادي في كتابه "الفرق بين الفرق"

Маъноси:

«Аллоҳ Ал 'Аршни ўз Кудратини кўрсатиш учун яратган, асло ўзига жой қилиб эмас».

Имом Абу Мансур Ал - Бағдодий «Оқимлар фарқи» номли китобида ривоят этган.

Имом Абу Жа'фар Ат-Таҳавий айтган:

قال أبو جعفر الطحاوي:

" و من وصف الله بمعنى من معاني البشر فقد كفر "

Маъноси: «Кимки инсонда бор тана, орган ва холатларни Аллоҳда бор деса у кофирдир».

Имом 'Абдул Фаний Ан - Набулсий айтган:

قال عبد الغني النابلسي: " من اعتقد أن الله ملاً السموات و الأرض أو أنه جسم قاعد فوق العرش فهو كافر بربه و إن زعم أنه مسلم "

Маъноси:

«Кимки Аллоҳ осмону ерни тўлдириб туради деса ёки Аллоҳ осмонда Ал 'Аршни устида ўтиради деса бу инсон кофирдир ўзини мусулмонман деса ҳам».

Жамоат Ал - Исламийа оқими.

Бу оқимни асосчиси Сайид Қутубдир. У Египетда туғилган ва 11 йил атеист яъни кофир бўлган. Сўнгра дин илми билан шуғулланиб Қуръонни нотўғри тафсир этган. Сайид Қутуб айтган кимки Ислому Шарийати яъни қонуни билан бошқармаса ундай инсон ва унга эргашганлар кофирдир деб хато қилган. У ўз оқимидан ўзгаларни кофирликда айблаб қуролли гуруҳлар тўплаб кўп мусулмонларни ўлдирган. У ушбу оятни Қуръондан исбот тарзида олган.

Сура «Ал - Моида» Оят 44:

(وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ)

Бу Оят кофирларга қарата айтилган. Саҳоба 'Абдуллоҳ ибн 'Аббос бу Оятни тафсирида айтган. Агар Шарийат ҳукми билан мусулмонларни бошқармаса бу катта гуноҳдир. Баъзи Оят, Ҳадисларда куфр, ширк сўзлари ўхшатиш маъносида келган.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه و سلم: " اتقوا الرياء فإنه الشرك الأصغر " رواه الحاكم في "المستدرک"

Маъноси:

«Риёдан сақланинг бу кичик ширкдир».

Имом Ал Ҳакимдан ривоят қилинган.

Риё бировлар мактови учун қилинган амал яъни оғир гуноҳдир.

Бу гуноҳ сабабли инсон Ислому динидан чиқмайди. Бу Ҳадисда кичик ширк сўзи оғир гуноҳ маъносида келган.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "سباب المسلم فسوق وقتاله كفر" رواه البخاري

Маъноси:

«Мусулмонни ҳақорат қилиш гуноҳ, урушиш куфрдир».

Имом Ал Бухорийдан ривоят қилинган.

Бу Ҳадисда ҳам куфр сўзи ўхшатиш яъни оғир гуноҳ маносида келган. Бу каби Оят, Ҳадисларни тафсирида албатта илми устозларга мурожат қилиш керак. Оқимларни келиб чиқишини асосий сабабларидан бири илмсизликдир.

Ҳизбут-Таҳрир.

Бу партияни 1953 йили Тақийуддин Ан Набахоний томондан тузилган. У илмсизлик билан Ислому динига нотўғри қонунларни олиб кирган ва куфрга тушган.

Уни ўлимидан кейин бу партияни 'Абдул Қадим Заллум бошқармоқда. Ҳизбут-Таҳрир партиясини маркази Иордания давлатида. Бу партияни асосий мақсади ўз оқимига кўпроқ инсонларни жалб қилиш ва давлатни сиёсат билан бошқаришдир.

Ҳизбут-Таҳрир партияси халқа деб номланган гуруҳлардан ташкил топган. Улар партия аъзоларини уч босқич асосида тайёрлайдилар.

Биринчи босқич - улар тўдасига янги қўшилган инсонга «дорис» деган унвон берилади. Дорис партия тузуми, мақсади ва ишлаш услуби билан танишиб чиқади. Бир халқадаги дорислар бошқа халқадаги дорисларни танимади. Бир неча ойдан кейин дорисларга мушриф дарс бера бошлайди. Уларга сиёсат, экономика, социология, жуғрофия ва дин илми нотўғри ўргатилади. Дорис биринчи курсдан кейин имтиҳон топширади ва партияга содиқ бўлишга қасамёд қилади. Қасамёд қилгандан кейин дорислар Ҳизбут Таҳрир партиясини тўлиқ аъзоси деб тан олинади.

Иккинчи босқич - дунёда таъқиқланган «Ислом низоми», «Ҳизбут - Таҳрир тушунчаси», «Жамоатда Ислом йўли» деган китоблардан ва «Ал Ваъий» деган журналлардан дарс олишади. Улар дарсдан ташқари варақа тарқатиш ва партияга кўпроқ инсонларни жалб қилиш билан ҳам шуғулланадилар.

Учинчи босқич - дорисга ўзини яхши ва актив кўрсатгани учун «Накиба» деган унвон берилади. Накиба шаҳар, кишлоқларда янги халқа ташкил этиш, варақа тарқатиш, жамоат орасида партия ташкилий ишларини уюштиради. Накибалар «Мусоид» ва «Масъул» деган партия тамондан тайинланган вилоятларни бошқарувчи кишиларга бўйсунди. Республика ва давлатда партия бошлиғи «Мутамад» деб номланади. Улар барчаси Ҳизбут - Таҳрир партияси бошлиғи Иорданияда яшовчи 'Абдул Қадим Заллумга бўйсундишади.

Ҳизбут - Таҳрир партияси ўз режасини уч қисмга бўлган:

Биринчи бўлим - Инсонларга партия сиёсатини сингдириш ва уларни партия тузишга тайёрлаш.

Иккинчи бўлим - Партия қонунларини қабул қилган инсонлар орқали жамоат орасида партия сиёсатини кенг масштабда тарқатиш ва Ҳизбут-Таҳрир қонунларига барча инсонларни киргизишдир.

Учинчи бўлим - Давлат ва сиёсатга кириш, бошқариш ҳамда дунё миқёсида партия ишини амалга оширишдир.

Ҳизбут-Таҳрир партияси сиёсий кураш олиб боради яъни буни маънавий революция деса ҳам бўлади. Улар жамоат орасида партияга қасамёд қилган кимсалар орқали масжид ва ўқув даргоҳларида мажлис ва суҳбатлар билан, ҳамда варақа, газета, китоблар орқали инсонларни алдаб уларни онгини захарлайдилар. Ҳизбут-Таҳрир партияси бутун дунё давлатларида таъқиқланган ва ҳеч бир мусулмон давлати бу партияни тан олмагандир. Шунга қарамай бу партия ўз «қора» ишини яширин ҳолда олиб бормоқда. Ҳизбут - Таҳрир оқими катта хатоларга йўл қўйган ва Ислом Шариятига зид бўлган маълумотларни ёзган.

Ҳизбут - Таҳрир оқимининг хатолари:

1. Тақиюддин Ан-Набахоний «Аш-шахсийя Ал - Исламийя» китобида: «Инсонни амали тақдир билан боғлиқ эмас ва тақдир инсон амали билан боғлиқ эмас. Инсон ўзи хоҳлаган амалини ўзи яратади» дейилган.

Бу нотўғри фикр ва бу Ислом динига қаршидир. Бунга ушбу Оят ва Ҳадислар исбот бўлади.

Сура «Ат - Таквир» Оят 29:

(وَمَا تَشَاؤُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ)

Маъноси:

«Сиз нимани истасангиз бўлади, агар Аллоҳ хоҳлаган бўлса».

Сура «Ал - Ҳужурот» Оят 7:

(حَبَبَ إِلَيْكُمْ الْإِيمَانَ وَزَيَّنَهُ فِي قُلُوبِكُمْ)

Маъноси:

«Аллоҳ Таоло сизни имонга муҳаббатли қилиб, қалбингизни гўзал қилди».

Сура «Ас-Соффат» Оят 96:

(وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ)

Маъноси:

«Аллоҳ сизни ва барча амалларингизни яратгандир».

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "القدرية مجوس هذه الأمة إن مرضوا فلا تعودوهم, وإن ماتوا فلا تشهدوهم"
رواه أبو داود والبيهقي في كتابه "القدر"

Маъноси:

«Тақдирга ишонмаган инсонлар оташпарастрлар кабидир. Агар улар ўлса ёки касал бўлса борманглар».

Абу Доуд ва Ал Байҳақийдан ривоят қилинган.

Сура «Юсуф» Оят 21:

(وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ)

Маъноси:

«Ҳеч ким Аллоҳни Иродасига қарши чиқолмайди».

Ҳар бир яхши, ёмон амал, фикр, хаёл, ўлим ва туғилиш Аллоҳни Иродаси билан бўлади. Аллоҳни Ҳукми ва Иродаси бор.

Мисол. Аллоҳ Иброҳим 'алайҳиссаломга ўғлини қурбонлик қилишга буюрди, аммо Аллоҳни Иродаси билан пичоқ кесмади. Бу Иброҳим 'алайҳиссалом учун синов ва инсонларга тақвода ибрат бўлди. Аллоҳ синовга мухтож эмас, чунки Аллоҳ ҳамма нарсани абадий бўлишидан олдин билади. Аллоҳга ҳеч нарса сир эмас. Шунинг учун биз Аллоҳ Ҳукмига амал қилишимиз керак. Барча нарса Аллоҳ Иродаси билан бўлади. Кимки тақдирга ишонмаса ёки гумон қилса ҳамда бирор ҳодиса, амални Аллоҳни Иродаси ва Билимидан ташқари бўлади деса у кофирдир.

Сура «Ал Қомар» Оят 29:

(إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ)

Маъноси:

«Ҳақки Аллоҳ барча нарсани тақдир билан яратган».

2.Ҳизбут-Таҳрир асосчиларини яна бир хатоси: «Аш-шахсийя Ал-Исламийя» номли китобида: «Пайғамбарлар ваҳий олмасдан олдин гуноҳ ва куфрдан сақланмаган» деб тарғибот қилишади.

Бу нотўғри фикр ва бу Ислом динига зиддир. Барча Ислом олимлари айтишган: «Аллоҳ барча Пайғамбарларни Пайғамбарлик ваҳийсини олишидан олдин ва олгандан кейин ҳам гуноҳлардан, куфрдан ва аҳмоқликдан асраган». Барча Пайғамбарлар ақлли, ботир, ҳақгўй ва чиройли бўлишган.

3.Ҳизбут - Таҳрир асосчиларини яна бир хатоси. 13 йил олдин Дамасқ шаҳрида тарқатилган варақада шундай ёзилган: «Агар Ҳалифа хатога йўл қўйса Ислом олимлари уни лавозимдан бўшатиши мумкин». Бу нотўғри фикрдир.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " و أن لا تنازعوا الأمر أهله إلا أن تروا كفرا بواحا" رواه البخاري و أبو داود

Маъноси:

«Ҳалифани ҳукмидан бош тортманг, агар у Ислом динидан чиқмаган бўлса».

Имом Бухорий ва Муслимдан ривоят қилинган.

4.Ҳизбут - Таҳрир асосчиларини яна бир хатоси. «Ал - Ҳалифа» номли китобида ёзишган: «Кимки халифага қасамёд қилмай дунёдан ўтса у оғир гуноҳкордир». «Ислом давлати» номли китобда ёзган: «агар мусулмонлар уч кун давомида Ҳалифа тайинламаса улар ҳаммаси гуноҳкордирлар». Бу нотўғри фикр.

Сура «Ал Бақара» Оят 286:

(لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا)

Маъноси:

«Аллоҳ инсонни имкони ва тоқатидан ортиқ ишга буюрмайди».

Хозир Ҳалифа тайинлашга имконият йўқ. Ҳалифалик бўлмасида мусулмонлар Ислом Шариъатига амал қилишмоқда. Шунинг учун Ҳизбут - Таҳрирчилар дунёдаги барча мусулмонларни гуноҳкор деб катта хатога йўл қўйишган.

5.Ҳизбут - Таҳрирчилар Ливанда тарқатилган варақада: «инсон зино қиламан деб ният қилса гуноҳкор эмас, гуноҳни фақат амалда қилганда гуноҳ бўлади» деб ёзишган ва хато қилишган.

Бу нотўғри ҳукм, бунга куйидаги Ҳадис исбот бўлади:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " كتب على ابن آدم نصيبه من الزنى مدرك ذلك لا محالة, فالعينان زناهما النظر, و الأذنان زناهما الاستماع, و اللسان زناه الكلام, و اليد زناها البطش, و الركل زناها البطش " رواه البخاري و مسلم

Маъноси: «Аллоҳ тақдир қилган, Одам авлодидан кўпи зинога олиб борувчи гуноҳларни қилишади. Кўзнинг гуноҳи қараш, қулоқнинг гуноҳи эшитиш, тилнинг гуноҳи гапириш, қўлнинг гуноҳи ушлаш, оёқнинг гуноҳи гуноҳ ишларга бориш».

Имом Бухорий ва Муслимдан ривоят қилинган.

Бу Ҳадисда зинога олиб борувчи деб бутун инсон танаси айтиб ўтилган. Шунинг учун инсонни қалбида гуноҳ истаги бўлса у гуноҳни амалда қилгунча ҳам гуноҳкор бўлади.

6. Ҳизбут - Таҳрирчилар «Ат-Тафкир» номли китобида: «ҳар бир инсон ўзи Ислому Шарияти бўйича хулоса қилиши мумкин» дейишган. Бу нотўғри фикр.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " من أفتى بغير علم لعنته ملائكة السماء و الأرض " رواه ابن عساکر

Маъноси:

«Кимки илмсиз фатво берса унга осмону ердаги Фаришталар лаънат айтади».

Ибн 'Асакирдан ривоят қилинган.

Ҳизбут - Таҳрирчилар «Ат-Тафкир» номли китобида: «Мужтаҳид фикҳ қонунлари, Оят ва Ҳадисларни билиши шарт эмас, чунки ҳозир китоб ва маълумотлар кўп» деб хато қилишган.

Мужтаҳид Ислому қонунлари бўйича хулоса берадиган олимдир.

Мужтаҳид олим Қуръон ва Ҳадис илмини ҳамда тавҳид ва фикҳ қонунларини мукамал билиши, араб тилини чуқур билиши ақлли ва ишончли бўлиши керак.

Бутун Ислому олимлари Тақиюддин Ан-Набахонийни ҳатто илмли инсон сифатида ҳам тан олишмаган.

Улар «Ҳизбут - Таҳрир» номли китобида: «ҳозир биз яшаётган давр Муҳаммад 'алайҳиссаломдан олдинги жоҳилият давридай. Ҳеч бир давлатда Ислому Шарияти тўлиқ бажарилмайди, у ерда мусулмонлар яшагани билан у жаҳолат ва динсизлик давлатидир» деб ёзишган. Бу нотўғри фикрдир.

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин Ислому дини йиллар, асрлар ўтгани сари ҳатто ҳалифалик бўлмаса ҳам ер юзида тарқалмоқда. Ҳеч бир Пайғамбар инсонларни террорист бўлишга ўргатмаган. Бу оқимлар Ислому дини таълимидан жуда узоқда ва адашган. Ислому таълимини гўзал одоб билан ўргатиш керак.

Муҳаммад Ибн Сирин айтган:

قال محمد ابن سيرين:

" إن هذا العلم دين فانظروا عمن تأخذون دينكم "

Маъноси: «Ҳаққи бу илму дин илмидир шунинг учун ҳам кимдан илму олаётганингизга эътибор беринг».

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " ستفترق أمتي إلى ثلاث وسبعين فرقة كلهم في النار إلا واحدة وهي الجماعة " رواه البخاري

Маъноси:

«Умматим 73 фирқага бўлиниб кетади, улардан бири Жаннатийдир, қолган 72 фирқа Дўзахийдир (72 фирқа ҳаммаси кофир эмасдир, буларнинг ичида куфрга тушмаган яъни гуноҳкор инсонлар бор, булар Дўзахда абадий қолмайдилар). Лекин бу фирқалардан куфрга тушганлари барча кофирлар каби абадий Дўзахийдир».

Имом Ал Бухорийдан ривоят қилинган.

Жаннат хабарини олганлар «Аҳли Суннат вал жамоатдир».

Бу оқимларга бизни насиҳатимиз: «Аҳли Суннат вал жамоат илмини ўрганинг ва ҳақ йўлдан боринг. Ислому Шариятига зид бўлган Муҳаммад ибн 'Абдул Ваҳҳоб, Сайид Қутуб,

Такийюддин Ан-Набахоний каби адашган инсонларни китобини ўқиманг ва улар кўрсатган нотўғри йўлларга юрманг».

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "نصر الله امرءا
سمع مقالتي فأداها كما سمعها, فرب حامل فقه ليس بفقيه,
و رب حامل فقه إلى من هو أفقه منه" حديث متواتر

Маъноси:

«Кимки мени сўзимни тинглаб, ўзгаларга дин қонунларини ўзгартирмай айтган бўлса юзи ёруғ бўлсин».

Мазҳаблар ҳақида

Мазҳаб - бу Ислоом олимлари Қуръони Карим ва Ҳадис илмига асосланиб тузган мактабидир. Мазҳаблар Пайғамбаримиз Муҳаммад 'алайҳиссалом дунёдан ўтгандан кейин тузилган. Бу олимлар тузган мазҳаблар ҳам инсонларга Аллоҳнинг Раҳматидир. Мазҳаблар кўп бўлган ва булардан асосийлари Ҳанафий, Маликий, Ҳанбалий ва Шофиъий мазҳабларидир.

Ҳанафий мазҳаби

Бу мазҳабни асосчиси Ан-Нў'мон бин Собитдир. Имом Аъзам ва Абу Ҳанифа деб Ислоом дунёсида номлари танилган. Бу олим ҳижрий 80-чи йилда Ироқ давлати Куфа шаҳрида таваллуд топган. Абу Ҳанифа икки юздан ортиқ тобъин бўлган шайхлардан илм олган ва олти Саҳоба билан учрашган. Абу Ҳанифа ҳаётини илмга ва ибодатга бағишлаган. Ўттиз йил намозни бир ракъатида ҳар куни ўттиз пора Қуръон ўқиган ва доим тўрт юз ракъатдан кўп нафл намозлари ўқиган. Қуръон ва Ҳадис илмини мукаммал ўрганиб, кўплаб китоблар ёзган. Булардан «Ал - Фикҳ Ал - Акбар», «Ар Рисола», «Ал 'Алим ва Мутаъаллим», «Ал - Фикҳ Ал - Абсат», «Ал - Васийя» ва бошқалар.

Шофиъий мазҳаби

Бу мазҳабни асосчиси Муҳаммад ибн Идрисдир. У Пайғамбарни авлодидан ва Қурайш қабиласидан бўлиб, ҳижрий 150-чи йили

Палестиннинг «Ғазза» шаҳрида туғилган. У 80 - та шайхлардан илм олган. Имом Малик ҳам имом Шофиъийнинг устозларидандир. У етти ёшида Қуръонни ёддан билган. Уни зеҳни кучли бўлган ва Қуръонни жуда чиройли ўқиган. Имом Шофиъий кечани уч қисмга бўлган экан. Бир қисмида китоб ёзар ва ўқир экан, иккинчи қисмида намоз ўқиган ва учинчи қисмида дам олган экан. Имом Шофиъий Қуръон ва Ҳадис илмини мукаммал ўрганиб кўплаб китоблар ёзган. Булардан «Ал - Фикҳ Ал - Акбар», «Ал - Умм», «Ар - Рисола» ва бошқалар.

Маликий мазҳаби

Бу мазҳабни асосчиси Малик ибн Анасдир. Бу кишини отаси саҳобалардан, у ҳижрий тўқсон бешинчи йилда Мадина шаҳрида туғилган.

Имом Маликни Ҳадис илмини султони деб айтишган. Муҳаммад 'алайҳиссалом ҳаётлик даврида Мадина шаҳрида кучли Ислоом олими бўлади деб айтган экан. Инсонлар ҳаммаси Пайғамбар айтиб кетган олим имом Малик деб тан олишган. У биринчи бўлиб Ҳадислар тўплами ва Фикҳ бўйича китобни 40 йилда ёзиб тугатган. Имом Малик Ҳадис илмини ўргатмоқчи бўлса, Пайғамбарга муҳаббатидан чиройли либосларни кийиб миск билан хушланиб, кейин дарсни бошлар экан. Имом Малик замонасининг энг кучли олими бўлган. У бу дунёга қалбини ҳеч қачон боғламаган экан.

Ҳанбалий мазҳаби

Бу мазҳабни асосчиси Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал. Ҳижрий бир юз олтмиш тўртинчи йилда Боғдод шаҳрида туғилган. Аҳмад ибн Ҳанбал Қуръон ва Ҳадис илмини мукаммал ўрганган. Имом Шофиъий ҳам уни устозларидандир. Ибн Ҳанбал ҳар куни уч юз ракъатдан нафл намозларини ўқиган ва Пайғамбар Муҳаммад 'алайҳиссаломни сочини доим ўзи билан олиб юрган экан. Имом Ал Бухорий ва Муслим ҳам Имом Ҳанбалнинг шогирдларидандир. У ҳижрий икки юз қирк биринчи йилда дунёдан ўтган ва уни жанозасига саккиз юз олтмиш мингта одам тўпланган. Ўша куни йигирма мингта

инсон Ислом динини қабул қилган экан. Аҳмад ибн Ҳанбал ёзган китоблардан «Ал Муснад», «Саҳобалар улуғ», «Адашганларга жавоб», «Тафсир» ва бошқалар. Мазҳабларни тузган олимларга Аллоҳ кучли илм, ақл- фаросат ва авлиёлик даражасини берган.

Тариқот ҳақида

«Тариқот» сўзи йўл, услуб каби маъноларни билдиради. Тахминан қирқта тариқот бордир. Бу тариқотларни бошлаган олимларни Аллоҳ илм ва тақво билан афзал қилган. Тариқотлар ўша авлиёлар номи ёки таҳаллуси билан номланган. Булардан Рифаъийя, Қодирийя, Нақишбандийя, Шазилийя ва шу кабилардир. Тариқотлар Пайғамбар дунёдан ўтгандан кейин бошланган.

Рифаъийя тариқотининг асосчиси Аҳмад Ар- Рифаъийдир. У Ироқ давлати Бағдод шаҳрида таваллуд топган. Бу киши Пайғамбарни авлодидан бўлиб, уни кароматларидан бири у Аллоҳни Қудрати билан Муҳаммад 'алайҳиссаломни кўрган ва Пайғамбарни муборак кўлларида ўпган экан. Аҳмад Ар-Рифаъий тавҳид илмини жуда мукамал билган, уни бир юз саксон минг шогирди авлиё даражасига етган. Бу тариқотларни тузган авлиёларга Аллоҳ баракат берган ва кўп сирларни билдирган.

У авлиёлар фарздан ташқари кўп дуо, зикр, саловот ўқишган ва тариқот қилиб ўзгаларга ўргатишган. Тариқот ҳам Исломда яхши янгиликдир. Бу авлиёлар ҳам инсонларга ибрат ва Аллоҳни Раҳматидир.

Бидъат

Бидъат бу «янгилик» деган маънони билдиради. Исломга ҳам асрлар давомида яъни Пайғамбарни ўлимидан кейин кўп янгиликлар кириб келгандир. Бидъат икки турга бўлинади.

1.Яхши янгилик яъни Қуръон ва Ҳадисга зид бўлмаган. Булардан: Пайғамбарга Мовлид ўқиш, Тариқот, Мадих (диний

кўшиқ) каби яхши янгиликлар.Қуръонни китоб тарзида ёзилиши. Яхё ибн Яъмар деган олим Қуръон ҳарфларига нуқта ва ҳаракатлар қўйган ва ўқишга осонлик киритган.

2.Ёмон янгилик. Булардан: Ислом Шариятига зид бўлган оқимлар Ваҳҳобийлар, Ҳизбут-Таҳрир, Жамоат Ал Исламийя деб ўзларини шу каби номлар билан аташган оқимлар, Ислом дини ва Пайғамбарлар ҳақида нотўғри маълумот ва китоблардир.

Ҳадис:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : " من سن في الإسلام سنة حسنة فله أجرها و أجر من عمل بها بعده من غير أن ينقص من أجورهم شئ و من سن في الإسلام سنة سيئة كان عليه وزرها و وزر من عمل بها من بعده من غير أن ينقص من أوزارهم شئ " رواه الإمام مسلم

Маъноси:

«Кимки Исломга яши янгилик олиб кирса унга ва ўша кишига эргашганларга савобдир. Доим шу яхши янгилик қайтарилганда илк бошлаган инсонга савоб етиб туради. Кимки Исломга ёмон янгилик олиб кирса унга ва ўша кишига эргашганларга гуноҳдир. Доим шу ёмон янгилик қайтарилганда илк бошлаган инсонга гуноҳи етиб туради».

Имом Жарир ибн 'Абдуллоҳ Ал Божалийдан ривоят қилинган.

Агар янгилик ёки миллатни урф - одати Ислом қонунларига зид бўлмаса уларни қилиш мумкин. Урф-одатни қилмаса гуноҳ бўлмайди.

Тавассул бу Пайғамбар ёки авлиёлар орқали дуо қилиш.

Исломда тавассулни таъқиқловчи ҳеч қандай асос ва далил йўқдир.

Аллоҳга Пайғамбар ва авлиёлар орқали дуо қилиш ёки улар қабрини зиёрат қилиш ёки тумор тақиш куфр ва ширк эмас. Мусулмонлар яхши билишади фақат Худо Яратгувчидир, лекин

Ўша дуо ва зиёрат сабаб бўлиши мумкин. Аллоҳ бу оламни яратди ва оламда қонун, ҳодиса, вақт, сабаб ва шу каби нарсалар бор. Мисол: булут сабаб бўлди ёмғир ёғишига, ота-она сабаб бўлди фарзанд туғилишига, касаллик сабаб бўлди инсон ўлишига ва шу кабилар. Сабабни ҳам амални ҳам Худо яратган. Инсон, булут, касаллик каби нарсалар ҳеч нарса ярата олмайди. Шунинг учун дуода Пайғамбарни номини айтиш ёки қабрини зиёрат қилиш, тумор ва шу каби нарсалар сабаб бўлиши мумкин, фақат Худо яратгувчи ва барча нарса Худонинг Иродаси билан бўлади.

Ҳадис:

**قال رسول الله صلى الله عليه وسلم :
" من زار قبري وجبت له شفاعتي " رواه الدارقطني.**

Маъноси:

«Кимки қабримни зиёрат этаркан у инсон шафоатимга сазовордир».

Имом Ад Дарокутний ривоят қилган.

Устознинг насихати.

Кимки Қиёмат кунда омонлик истаса Аллоҳ буюрган фарзларни мукамал ва кўпроқ бажариши керак. Ҳаёт ташвишларига ва зулм қилгувчиларга сабр қилиши керак. Ислом Шариъатини ўргатиш учун имкон ва куч борича ҳаракат қилинг. Фарз амалларга дангасалик ва эътиборсизлик инсонни жаҳолат сари олиб боради.

Кимки инсонларга Ислом Шариъатини ўргатса, ҳамда жаҳолат ва адашган оқимлардан инсонларни огоҳлантирса, қайтарса унга қуйидаги савоблар берилади. Элликта саҳобани савоби, юз мингта Ҳаж Суннатини савоби, икки юз мингта Суннат намозини савоби, зарурат бўлмаган ҳолда қурилган беш юзта масжид савоби берилар экан. Агар у ўз тўшагида ўлсада, шаҳид савоби берилади ва гуноҳлари бўлса Худо уни кечирар экан. Уни Жаннатда жойи эллик минг йиллик масофа ва мартабаси улуг бўлар экан. Ўзимга ва сизга насихатим такводор бўлинг.

Китобни ўқишда қуйидаги ҳарфларга эътибор беринг:

В - яъни ингилиз тилидаги W товушини беради.

h - яъни ўзбек тилидаги юмшоқ Ҳ товушини беради Араб алифбосидаги (ه)

' – яъни қаттиқ а товуши тамокдан чиқади. Араб алифбосидаги ع
Ҳадис - Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни айтган сўзлари ва қилган амалларидир.

З – яъни ингилиз тилидаги th товушини беради (мисол.this).

Араб алифбосидаги (ذ)

С – яъни ингилиз тилидаги th товушини беради (мисол.think).

Араб алифбосидаги (ث)

Д – до қаттиқ товушини беради, Араб алифбосидаги (ض)

с - сод товушини беради, Араб алифбосидаги (ص)

а - ҳарфни тагидаги чизилган белги чўзик а деб ўқиш керак.

и - ҳарфни тагидаги чизилган белги чўзик и деб ўқиш керак.

т - қаттиқ то товушини беради, Араб алифбосидаги (ط)

о - ҳарфни тагидаги чизилган белги чўзик о деб ўқиш керак.

з - зо юмшоқ товушини беради. Тилни тишни орасига қўйган ҳолда айтилади. Араб алифбосидаги (ظ)

Украина мусулмонлар диний идораси

Украина мусулмонлар диний идораси, бу диний уюшма бўлиб, 1992 йили Украина диний ишлар қўмитасида тасдиқланган. Бу диний уюшмани Украина Муфтиси шайх Аҳмад Тамим бошқаради. Ўн йил давомида кўп ишлар амалга оширилди, булардан: Киев шаҳрида Ислом университети ташкил этилди ва Ар-Роҳма катта жомий масжиди қурилди, газета ва диний китоблар нашриёти ишламоқда. Украина шаҳар ва қишлоқларида масжидлар очилди ҳамда очилмоқда. Ислом ҳақида маълумот интернетга киритилди ва бошқа жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хозир ҳам Украина диний ишлар идораси Аллоҳни Раҳмати ила Ислом дини ривожини учун хизмат қилмоқда.

Фикр мулоҳазаларингиз ёки ўзингизни қизиқтирган саволларингиз билан қуйидаги манзилга мурожат қилишингиз мумкин:

Украина мусулмонлар диний идораси

✉ **Украина, Киев шаҳри, Лукьяновская кўчаси 46-уй.**

☎ **(044) 4651877. 4651878. Факс: (044) 4561770**

E-mail: islam@i.kiev.ua,

Web site: www.islamyat.org